



# MILLIY TIKLANISH

3 (64) 2010 йил 20 январь, чоршанба

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

[www.milliytiklanish.uz](http://www.milliytiklanish.uz)  
 e-mail: [milliyt@sarkor.uz](mailto:milliyt@sarkor.uz)


## Халқ манфаатлари ва Ватан туйғуси ҳар нарсадан устун

Халқимизнинг бой ва бетакрор маданий, маънавий ҳамда миллий анъаналарига таянган ҳолда фуқароларни миллий гуруҳ ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ёшларда миллий ғояга содиқлик ҳиссини уйғотиш ва кучайтириш партиямизнинг маънавият соҳасида илгари сураётган ва ҳаётга татбиқ этиётган вазифаларидан биридир.



3-бет

## Ямандаги ёмонлар

Ямандаги хавфсизлик масаласи Рождество арафасида Амстердамдан АКШнинг Детройт шаҳрига парвоз қилаётган йўловчи самолётида юз берган ҳодисадан сўнг асосий ўринга чиқиб олди.



7-бет

## Хунари бор хор бўлмас

Бугунги кунда миллий қадриятларимизни ривожлантиришга, халқ хунарандчилигини раванқ топтиришга катта эътибор қаратилмоқда. Заргарлик, каштадўзлик, зардўзлик, кулолчилик, сандиқсозлик, бешикчилик каби хунар турлари ривожланиб, халқ амалий санъати янгидан янги намуналар билан бойиди.

8-бет

МТ

БУГУНГИ  
СОНДА:

|                                                  |       |
|--------------------------------------------------|-------|
| ПАРЛАМЕНТ                                        | 2-бет |
| Сиёсий синов: якун ва хулосалар                  |       |
| ПАРТИЯ ҲАЁТИ                                     | 3-бет |
| Сайловчилар ишончи — олий масъулият              |       |
| ЎзМТДП ташкилотлари                              |       |
| ИЖТимоий-СИЁСИЙ ҲАЁТ                             | 4-бет |
| Бағрикенгликка қўйилган обида                    |       |
| Хурматнинг калити меҳнат                         |       |
| МАЪНАВИЯТ                                        | 5-бет |
| Замонавий қаҳрамон                               |       |
| Ғолиблар аниқланди                               |       |
| ЖАРАЁН                                           | 6-бет |
| Касаначилик раванқ топмоқда                      |       |
| Банклар фаолияти                                 |       |
| Ёшлар камолоти — келажак раванқи                 |       |
| Кам электр қуввати сарфлаб катта ёруғлик олинади |       |
| Эзгу ният                                        |       |
| ХАЛҚАРО ҲАЁТ                                     | 7-бет |
| Геопатоген майдон                                |       |
| НИГОҲ                                            | 8-бет |
| Қанотли ҳимоячиларимиз                           |       |
| Соғлом авлод — нузли келажак                     |       |



БАРКАМОЛ АВЛОД



## Ёшлар

ЮРТ РАВНАҚИ ЙЎЛИДА БОР КУЧ ВА САЛОҲИЯТЛАРИНИ САФАРБАР ЭТИШЛАРИЛОЗИМ

Агар тарихга назар ташласак, Европага уйғониш, тараққиёт айнан Шарқ заминидан, аجدодларимиз яратган маърифий жавоҳирлар орқали кириб борганлигига гувоҳ бўламиз. Биз ибн Сино, Амир Темур, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Жалолiddин Мангуберди, Заҳириддин Муҳаммад Бобур сингари буюк аجدодларимизнинг авлодларимиз. Бугун бизлар уларнинг бебаҳо маънавий меросидан ҳақли равишда фахрланамиз ва ўз навбатида уларга муносиб ворислар бўлишга интиламиз. Айниқса, уларнинг навқиронлик чоғларидаёқ ўз юрти, халқи келажagini уйлаб қилган эзгу ишларидан ибрат олишимиз муҳим аҳамият касб этади.

Соҳибқирон Амир Темур ёшлик пайтлариданоқ ҳарбий ишларга қизиқиб, моҳир суворий ва қўрқмас жангчи сифатида бутун Шарққа танилган эди. Мўғуллар билан бўлган илк жанг-

да ғалаба қозонганда Амир Темур 17 ёшда, Мовароуннаҳр амيري деб эълон қилинганида эса 34 ёшда бўлган. Ўзбек тилининг асосчиси, ғазал мулкининг султони Алишер Навоий 10-11

ёшларида ўзининг "Оразин ёлғоч, кўзимдан-янги ижод намуналаримиз билан элимизнинг олқишига сазовор бўлишга ундайди. Утган йили энг фаол театр мукофотини қўлга киритишимизда бунинг аҳамияти катта. Бундан ташқари, мустақиллик йилларида театримизда жуда кўп эсда қоларли ўзгаришлар юз берди. 2001 йилда Юртбошимиз ташаббуси билан олдинги ҳамза номли академик драма театрига Миллий театр мақоми берилди.

(Давоми 4-бетда)

ЖАРАЁН

## Сиёсий синов: якун ва хулосалар

ПАРТИЯ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИДА ТАҲЛИЛ ҚИЛИНАДИ

2009 йил мамлакатимиз ҳаётида алоҳида из қолдирди. Ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, инқирозга қарши чоратадбирлар муваффақиятли амалга оширилиши баробарида, ҳокимиятнинг вакиллик органларига сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юқори даражадаги уюшқоқлик билан ташкил этилди.

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов ташаббуси билан амалга оширилаётган босқичма-босқич ва изчил ислохотлар туфайли мамлакатимиз ўз тарихий тараққиётининг янги босқичига қадам қўйди. Бўлиб ўтган сайлов, биринчидан, Ўзбекистон танлаган ривожланиш йўлини халқимизнинг барча қатламлари қизгин қўллаб-қувватлаётганлигини, иккинчидан, миллий сайлов қонунчилигимиз ўзининг демократик характери ва руҳи билан халқро стандартлар ва принципларга тўла жавоб бериши, учинчидан, сиёсий партиялар ўзларининг ижтимоий қатламлари манфаатларини ҳимоя қилиш борасида ўз фаолиятларини сезиларли даражада оширганликларини кўрсатди.

Сайлов ошқора, тенглик, адолат ва демократик руҳда ўтганлигини 60 мингдан зиёд маҳаллий ва 270 дан ортиқ хорижий кузатувчилар алоҳида эътироф этишди. Энг муҳими ушбу сиёсий

жараён партиялар ўртасида ғоя ва мақсадлар кураши, кескин баҳс-мунозара руҳида ўтганлигига бутун мамлакатимизда биринчи бўлиб замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиб, сайлов тарихида илк бор партия номзодларига овоз беришга даъват этувчи SMS хабари тарқатди. Воқеалар силсиласидан мамлакатимиз ўз демократик тараққиётида янги босқичга кўтарилганлиги яққол сезилиб турди.

(Давоми 2-бетда)

ЮЗМА-ЮЗ

## Замонавий қаҳрамон

У ҚАНДАЙ ФАЗИЛАТЛАРГА ЭГА БЎЛИШИ КЕРАК?

Санъатимизнинг ҳар бир жабҳаси, у театр бўладими, кино ёки адабиётми барчаси учун бугунги кун, замон қаҳрамонини ўзининг бадийи чизгилари, тасвирий ва жонли ифодаси орқали элимизга етказиш, ёш авлод қалбида шу қаҳрамонларга муносиб, ҳар томонлама баркамол бўлиб улғайиш туйғусини синдириш долзарб ҳисобланади. Миллий санъатимизни ривожлантириш, уни замон талабига мос равишда раванқ топтириш борасида амалга оширилаётган ишлардан эса ижодкорлар янада фаол, интилувчан бўлишни талаб этади. Шу ва бошқа мавзуларда фикр-мулоҳаза алмашиш мақсадида Ўзбек Миллий академик драма театри актёри, маҳоратли дубляж устаси, шунингдек давлатимизнинг юксак мукофоти "Меҳнат шухрати" ордени соҳиби Маҳмуд Исмоилов билан суҳбатлашдик.

- Мустақиллик йилларида Миллий театр фаолиятида қандай ўзгаришлар юз берди?


- Томошабинларнинг эътиборида бўлиш бизни фаол меҳнат қилишга, янгидан-янги ижод намуналаримиз билан элимизнинг олқишига сазовор бўлишга ундайди. Утган йили энг фаол театр мукофотини қўлга киритишимизда бунинг аҳамияти катта. Бундан ташқари, мустақиллик йилларида театримизда жуда кўп эсда қоларли ўзгаришлар юз берди. 2001 йилда Юртбошимиз ташаббуси билан олдинги ҳамза номли академик драма театрига Миллий театр мақоми берилди.

(Давоми 5-бетда)

**ALOQABANK** – ЮКСАКЛИККА ИНТИЛГАНЛАР УЧУН



# ПАРЛАМЕНТ



**Жалмонов Улыкбек  
Абылаевич**


1-Нукус  
сайлов округи



## Ўзбекистон Республикаси




### Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ЎЗМТДПдан сайланган депутатлар



**Кушакаев Бахтияр  
Янгибаевич**

3-Элликқалъа  
сайлов округи




**Утемуратов Аскарбай  
Минажович**

6-Чимбой  
сайлов округи



**Ниязова Джамиля  
Абдуқадировна**

8-Оқманғит  
сайлов округи



**Одилов  
Қодиржон**

15-Хўжабод  
сайлов округи



**Тўхтабаев Абдурашид  
Турсунович**

17-Қўрғонтепа  
сайлов округи



**Раджабова Мавжуда  
Сайфудиновна**

22-Когон  
сайлов округи



**Болтаев Шавкат  
Хасанович**

26-Пайкент  
сайлов округи



**Маматов Абдуғафур  
Эшонқулович**

33-Пахтакор  
сайлов округи



**Акилов Алимжон  
Рахимович**

38-Нурота  
сайлов округи



**Дехқонов Шухрат  
Бегмирзаевич**

41-Тошбулоқ  
сайлов округи



**Рахманов Акмал  
Эргашевич**

45-Уйчи  
сайлов округи



**Усаров Олим  
Авалбаевич**

54-Каттақўрғон  
сайлов округи



**Юсупов Эркин  
Джуроевич**

56-Нарпай  
сайлов округи



**Тўхташев Абдил  
Қасимович**

61-Тайлоқ  
сайлов округи



**Турсунов Ахтам  
Саломович**

63-Қоратепа  
сайлов округи



**Эсанова Олтиной  
Ахмадалиевна**

64-Гулистон  
сайлов округи



**Джумаев Алишер  
Туробович**

72-Қумқўрғон  
сайлов округи



**Коренев Игорь  
Анатольевич**

82-Олмалиқ  
сайлов округи



**Алимова Мавлуда  
Назрыдинова**

101-Тошлоқ  
сайлов округи



**Косимова Лобархон  
Улугбековна**

103-Бувайда  
сайлов округи




**Ёрматов Саймуддин  
Тошмадиевич**

104-Қувасой  
сайлов округи




**Отамуратов Сарвар  
Садуллаевич**

108-Хазорасп  
сайлов округи




**Атодждонов  
Джумонзор  
Азодович**

110-Хива  
сайлов округи



**Хайтов  
Урал**

114-Қамаши  
сайлов округи



**Эшмуратов Арслан  
Хусанович**

115-Нишон  
сайлов округи



**Саидов Акмал  
Холматович**

117-Қасби  
сайлов округи



**Муҳаммадиев  
Улугбек  
Насриддинович**

121-Яккабоғ  
сайлов округи



**Азамат Зиё  
Ҳамид ўғли**

126-Темирийўлчилар  
сайлов округи



**Бабаев Джаҳонгир  
Исмаилбекович**

127-Қорақамиш  
сайлов округи



**Абдуллаев Илҳом  
Зайирович**

131-Астробод  
сайлов округи

#### ЖАРАЁН

## Сиёсий синов: яқун ва ҳулосалар

ПАРТИЯ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИДА  
ТАҲЛИЛ ҚИЛИНАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бўлиб ўтган сайловнинг яна бир ўзига хос жиҳати шундаки, ҳар бир сиёсий партия ўзига хос, бири-бирига ўхшамаган ҳаракат дастури билан сайловчи ҳузурига чиқди. Бунда ҳар бир партия ўзи таянадиган ижтимоий қатлам манфаатларини барча соҳаларда етакчи ўринга олиб чиққанлиги алоҳида кўзга ташланди. Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий Қонун туфайли давлат ва жамият ҳаётида сиёсий партияларнинг таъсири ва масъулияти кучайиб бораётганлигини ҳам бўлиб ўтган сайлов кўрсатди, десак муболага бўлмайди.

Маълумки, сайлов арафасида, яъни ўтган йилнинг ноябрь-декабрь ойларида "Ижтимоий фикр" маркази ўтказган сўров натижалари билан сайлов яқунларидаги натижалар бири-биридан кескин фарқ қилди. Деярли барча партиялар бу сўров мамлакатимиз жамоатчилик фикрига мутлақо тўғри келмаслигини таъкидлашмоқда. Тўғри, бутун дунё амалиётида сўровлар юз фоиз тўғри чиқармайдими, яъни бир-икки, баъзан уч-тўрт фоизга адашиш мумкин. Лекин, "Ижтимоий фикр" сўрови натижалари билан ҳақиқий аҳвол ўратасида каттагина фарқ бор.

Сайлов жараёни ортда қолиб, бугун таъбир жоиз бўлса ғалвир сувдан кўтарилган экан, эндиликда энг асосий вазифа сайловолди ҳаракат дастурида илгари сурилган вазифаларни собитқадамлик билан ижросини таъминлаш ҳар бир сиёсий партия, хусусан, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси олдида турибди. Партияимизнинг дастурий вазифалари, ғояларини қонунчилик ва қарорлар қабул қилишда иштирок этиш орқали амалга оширишда давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайланган барча даражадаги депутатларимиз асосий ўрин тутди. Аввало, шунинг айтилиши лозимки, партияимиз айрим халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларидан етарли даражадаги ўринларни эгаллашди. Айниқса, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларидаги кўрсаткичларимиз, ушбу ҳудудий партия ташкилотларимизда партия фаолиятини тубдан ўзгартириш, тегишли чора-тадбирлар кўриш зарурлигини кўрсатмоқда. Чунки, мазкур вилоятлардаги партия ташкилотлари ЎЗМТДП дастурий мақсад ва ғояларига мос равишда амалий фаолият юритиш, кенг омма орасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш, бошланғич партия ташкилотларини шакллантириш, депутатлик гуруҳлари ишини жонлантириш борасида оқсоқликка йўл қўйганликлари оқибатида сайловда муваффақиятли иштирок эта олмадилар. Умуман, халқ депутатлари маҳаллий кенгашларга сайланган депутатлар ўз ишларини Конституциявий Қонун талабларидан келиб чиқиб тубдан ўзгартиришлари, юрт ва халқ манфаатларига мос қарорлар қабул қилишда фаол иштирок этишлари, хусусан, сессияларда муқобил таклифларни илгари суришлари шарт.

Айни пайтда ЎЗМТДП Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси сайлов яқунларини таҳлил қилиш ва ундан зарур ҳулоса чиқариш ҳамда бу масалани партия Марказий Кенгаши пленумида кенг ва атрофлича кўриб чиқишни режалаштирмоқда. Пленумда сайлов яқунлари ва натижалари юзасидан барча даражадаги партия ташкилотлари ва унинг раҳбарлари фаолиятига тегишли баҳо берилди ва зарур чора-тадбирлар белгиланади.

ЎЗМТДП МК Ижроия  
қўмитаси Матбуот хизмати

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси мамлакатимиз миллий манфаатларини ҳимоя қилишни, маънавий қадриятларимизни, халқимизнинг урф-одатлари ва анъаналарини, бой тарихий меросимизни асраб-авайлаш ва бойитишни, миллий тикланиш ғоясини кенг тарғиб қилиш ва аҳоли онига синдиришни, ушбу ғоя асосида халқни Ватан тараққиётига, демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуришга қаратилган яратувчилик ва ижодкорлик фаолиятига сифарбар этишни ўзининг асосий мақсадлари деб билади.



# ПАРТИЯ ҲАЁТИ

## ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИДА

Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим аҳамият касб этган парламент ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органларига бўлиб ўтган сайловлар партияимиз имконият ва салоҳиятини яна бир карра синовдан ўтказди десак, муболага бўлмайди.

# Сайловчилар ишончи — олий масъулият

УНИ ОҚЛАШ УЧУН ФИДОЙИ, ТАШАБУСКОР БЎЛИШ ЛОЗИМ

Гулбахор УМУРЗОҚОВА,  
Дилноза ХАЙИТОВА,  
«Milliy tiklanish» мухбирлари

Катта сиёсий тадбир асносида аниқланган натижалар эса ЎзМТДПнинг ҳар бир бўғини фаолиятини таҳлил қилиш, унинг ташкилотлари ишини янада тақомиллаштириш вазифаларини келтириб чиқаради. Айни шу масалалар бугун партиянинг барча ташкилот ва тузилмаларида, хусусан янги таркибда тузилб фаолият бошлаган халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳларининг йиғилишларида муҳокама марказида бўлмоқда.

Сайлов натижаларига кўра ЎзМТДПдан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига 31 нафар, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларига 139 нафар, халқ депутатлари туман кенгашларига 697 нафар, халқ депутатлари шаҳар кенгашларига 88 нафар депутат сайланган.

Маълумки, депутатлик гуруҳларини ташкил этишдан мақсад - партия дастурий ғоялари, электротат манфаатларидан келиб чиқиб, жойлардаги бошқарув органлари олдида долзарб масалаларни қўйиш, мажхуд муаммоларни сессиялар кун тартибига киритиш ва ижобий ҳал этишдан иборат. Уларнинг яна бир муҳим вазифаси - ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ишларни доимий таҳлил этиб, тегишли баҳо бериш, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ислохотларни чуқурлаштириш, халқ фаровонлигини оши-

ришга қаратилган аниқ дастур ва таҳлилларни дадил кўтариб чиқишдир. Зеро, улар қонунчиликка мувофиқ, давлат ҳокимияти вакиллик органларида партия сиёсатини олиб боришнинг асосий ташкилий воситасидир.

ЎзМТДП халқ депутатлари Қашқадарё вилоят кенгашига сайланган депутатлар, партия фаоллари партия депутатлик гуруҳининг дастлабки йиғилишида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтган сайловлар ЎзМТДП вилоят ташкилоти учун ҳам катта синов ва тажриба мактаби бўлганини алоҳида таъкидладилар. Партиянинг сайловлардаги иштироки ва сайлов натижалари ҳақида билдирилган ижобий ва танқидий фикр-мулохазалар чоғида партиядан халқ депутатлари вилоят кенгашига сайланган 9 нафар депутатлар иштирокчиларга таништирилди.

Айтиш жоизки, ЎзМТДП ўз фаолиятида партиядан сайланган маҳаллий кенгашлар депутатлари билан иш олиб бориш, уларни партия ташкилотлари олдида турган вазифалар ижросида фаол иштирок этишини таъминлаш ҳамда депутатларнинг ваколат ва имкониятларидан халқимиз манфаатлари йўлида кенг фойдаланишга алоҳида эътибор бериб келмоқда.

Йиғилишда сўзга чиққан ЎзМТДП вилоят кенгаши Ижроия кўмитаси раиси ўринбосари Тўйғун Дўстқобилов ана шу жиҳатда алоҳида эътибор қаратиб, жум-

ладан шундай деди: - Тажрибадан аёнки, партия фаоллари жойларда ўтказилаётган тадбирларда одамлар айтаётган тақлифлар, уларни ўйлантираётган муаммоларни ўрганиб чиқиб, депутатлар ҳукмига ҳавола қилмоқда. Ўз навбатида депутатлар ҳам бу масалалар бўйича ўз тақлифларини ишлаб чиқиб, сессиялар кун тартиби муҳокамасига киритмоқда.

- Дарҳақиқат, - деди шу хусусда фикр билдирган вилоят кенгаши депутати Инобат Каримов, - ЎзМТДП давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайланган депутатлар орқали ўз тарафдорлари манфаатларини ҳимоя қилиш, ўзининг дастурий вазифаларини амалга ошириш, шунингдек, тегишли қонунлар ва қарорлар қабул қилиш билан Ватанимиз ҳамда халқимизнинг бугунги ҳаёти ва келажакка дахлдор масалаларни ҳал этишини ўзининг муҳим вазифаси деб ҳисоблар экан, бу депутатлик гуруҳи зиммасига улкан масъулият юклайди. Шу ўринда таъкидлаш жоиз бўлган бир жиҳат борки маҳаллий кенгашлар депутатларининг иш фаолияти партия ташкилотлари фаолияти билан ҳам

бир бўлиши шундан кўрилади. Йиғилишда ўтган беш йиллик даврда айрим депутатлар партия ишига ўзибўларчилик кайфияти ва масъулиятсизлик билан ёндашгани, ҳатто ўз депутатлик вазифасини ҳам унутиб қўйгани айтиб ўтилди. Камчиликлардан тўғри хулоса чиқариш, халқ ишончига муносиб бўлиш, яратилаётган кенг имкониятлардан оқилона фойдаланиш депутат-

лардан нафақат масъулият, балки билим, тажриба, фаоллик, ташаббускорлик ва фидойилик ҳам талаб қилишини сўзга чиққанлар алоҳида эътироф этдилар.

Йиғилишда ЎзМТДП вилоят кенгаши Ижроия кўмитаси раиси Ойниса Очилова депутатлик гуруҳи раҳбари этиб сайланди.

Халқ депутатлари Сурхондарё вилоят кенгашидаги партия депутатлик гуруҳининг дастлабки йиғилишида ЎзМТДП вилоят кенгаши аъзолари, партия фаоллари депутатлар олдида турган муҳим вазифалар юзасидан ўзаро фикр алмашдилар ҳамда кун тартибидagi асосий масала - партия депутатлик гуруҳи раҳбарини сайлаш масаласини кўриб чиқдилар. Йиғилишда депутатлик гуруҳи раҳбари этиб «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими бошқарув раиси Эркин Кўчинов сайланди.

Одамларни ўйлантираётган, қизиқтираётган долзарб масалаларни ҳал этиш биздан синчков, фаол ва ташаббускор бўлишни талаб этмоқда. Ўз ваколатимиздан фойдаланиб, беш йил мобайнида ишончга муносиб фаолият олиб борсак, нафақат электротатимиз манфаатларини ҳимоя қиламиз, шу билан биргаликда улар олдида юзимиш ёруғ бўлади, - деди йиғилишда сўзга чиққан вилоят кенгашига сайланган депутат Фуркат Муқимов.

Йиғилишда аввалги таркибдаги партия депутатлик гуруҳининг сайловдан сайловгача бўлган давр ичидаги фаолияти таҳлил этилди. Таҳлиллар шунки кўрсатдики, депутатлик гуруҳи томонидан маданий-тарихий ёдгорликларни муҳофаза қилиш, таъмирталабларини аниқлаш, қасаначиликни ривожлантириш, миллий хунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни келгайтириш ва маҳаллий бозорни улар билан тўлдириш, ёшлар маънавиятини юксалтириш борасида муайян ишлар қилинган. Лекин шу билан биргаликда партия дастурий мақсадларини бажаришга айрим депутатлар томонидан лоқайдлик билан қараш, партия ташкилотлари билан алоқаларни ўзиб қўйиш ҳоллари ҳам учрайди. Йиғилишда келгуси фаолиятда бу каби камчиликларга йўл қўйиб бўлмаслиги қатъий таъкидланди ва олдинда турган вазифалар белгилаб олинди.

- Бўлиб ўтган сайловлар натижасига кўра халқ депутатлари Хоразм вилоят кенгашига 14 нафар депутат сайланди. Бу албатта ижобий кўрсаткич, олдинда эса билдирилган ишончни оқлаш масъулияти турибди, - деди партия депутатлик гуруҳининг йиғилишида сўзга чиққан халқ

депутатлари вилоят кенгаши депутати Муҳаммад Собиров. - Янги таркибда иш бошлаган гуруҳимиз билан эндиликда бажаришмиш лозим бўлган муҳим вазифалар юзасидан келишиб олдик. Ўтган давр мобайнида ЎзМТДП депутатлик бирлашмалари маҳаллий кенгашлар сессияларида ташаббуслар билан чиқиш, партия электротати манфаатларига жавоб берадиган муҳим масалаларга давлат ҳокимияти органлари эътиборини қаратиш борасида муайян тажрибалар тўпланган. Аммо ўтказилган таҳлиллар натижаси улар баъзи хато ва камчиликлардан холи эмаслигини кўрсатди.

Йиғилишда кун тартибидagi масалалар юзасидан халқ депутатлари вилоят кенгаши депутатлари Б.Оллаберганов, С.Эржанов сўзга чиқиб, депутатлик гуруҳининг келгусидаги вазифалари тўғрисида ўз фикр-мулохазаларини билдирдилар.

Урганч Давлат университети ректори Рўзимбой Ёшчанов ЎзМТДП вилоят кенгаши депутатлик гуруҳи раҳбари этиб сайланди.

Депутатлик гуруҳлари олдида қўйилаётган вазифалар ҳаётда ўз амалий тасдиғини топишда халқ ишонч билдирган ҳар бир депутат масъулдир. Бу ўз навбатида улар фаолиятда ташаббускорликни ошириш, ишни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришни талаб этади. ЎзМТДП Фаргона вилоят кенгаши депутатлик гуруҳи йиғилишида ушбу масалага алоҳида эътибор қаратилди. Янги таркибда иш бошлаган депутатлар гуруҳи олдида турган вазифалар ушбу йиғилишда қизгин муҳокама қилинди. Таъкидлаш ўринлики, 2009 йилнинг декабри ойида бўлиб ўтган сайлов натижаларига кўра партиядан халқ депутатлари вилоят кенгашига 14 нафар депутат сайланди. Йиғилишда вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бошқармаси бошлиғи Файзулла Қосимов бир овоздан партия депутатлик гуруҳи раҳбари этиб сайланди.

Шундан сўнг, кун тартибидagi масалалар юзасидан депутатлар Ҳ.Исломов, Б.Тешабоев, А.Йўлбарсов, Д.Ҳакимов ўз фикр-мулохазаларини билдирдилар.

Бошқа барча халқ депутатлари вилоят кенгашларидаги ЎзМТДП депутатлик гуруҳлари йиғилишларида ҳам таъкидланганидек, партиядан маҳаллий кенгашларга сайланган депутат ва депутатлик гуруҳлари сиёсий партиялар учун яратиб берилган имкониятлардан тўлиқ фойдаланишлари, партия сайловолди платформаси ҳамда Дастурда белгиланган вазифаларни бажаришда собитқадамлик билан ҳаракат қилишлари зарур.

тинчилигини таъминлаш йўлида тинмай хизмат қилишларини таъкидлашди. Тадбирда сўзга чиққан ЎзМТДП Косонсой туман кенгаши Ижроия кўмитаси раиси Мўмин Қосимов, капитан Лазиз Пўлатов бурча содиқлик ва масъулият, она-юртага муҳаббат ва эҳтиром туйғусининг ҳар бир посбон, ҳар бир фуқаро қалбида жўш уриб, фаолиятда намоён бўлиши юртимиз мустақиллигини, осмонимиз мусавволиги ва сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлашда муҳим омил экани ҳақида фикр билдирдилар.

Партия Дастурида белгиланган мақсадларни бажаришга қаратилган яна бир маънавий-маърифий тадбир ЎзМТДП Жиззах вилоят кенгаши «Ёшлар қаноти» ва ЎзМТДП Янгиобод туман кенгаши томонидан «Ватан посбонлари хизматга шай» мавзусида Янгиобод агро-иқтисодиёт коллежида ўтказилди.

Туман ИИБ, республика маънавият тарғибот маркази туман бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган тадбир коллеж ёшлари қалбида ватанпарварлик, фидойилик тушунчаларини мустаҳкамлашга, уларни пухта билим олиб, малакали кадрлар бўлиб етишишга бўлган қизиқишларини оширишга хизмат қилгани шубҳасиз.

Армия сафларида хизмат қилган йигитларга берилётган имтиёзлар ёшларнинг ҳарбий хизматни адо этишга бўлган интилишларини янада кучайтирганлигини коллеж талабалари билан бўлган мулоқот давомида сезиш мумкин, - дейди биз билан суҳбатда ЎзМТДП Янгиобод туман кенгаши «Ёшлар қаноти» раҳбари Илёс Хидиров.

Қизиқарли баҳс-мунозаралар асосида кечган тадбирда коллеж ёшларини қизиқтирган барча саволларга жавоблар берилди.

Айтиш керакки, ҳарбийлар, ёшлар даврасида ўтказилган бу каби тадбирлар, амалий саъй-ҳаракатлардан қўзланган эзгу мақсад - партияимиз Дастурида белгиланган «Халқ манфаатлари ва Ватан туйғуси ҳар нарсадан устун» деган ғояни ҳаётга тўлалигича татбиқ этишдан иборатдир.

Д.ХАЙИТОВА,  
«Milliy tiklanish» мухбири

## ЎзМТДП ташкилотлари БИР ҲАФТА ИЧИДА

Махбира АБДАЛОВА,  
«Milliy tiklanish» мухбири

ЎзМТДП Хоразм вилоят кенгаши «Аёллар қаноти» вилоят ҳокимлиги билан ҳамкорликда «Олтин воҳа ижодкорлари» мавзусида тадбир ўтказди. Уни партия вилоят кенгаши Ижроия кўмитаси раиси ўринбосари Д.Бекжонов олиб борди. Тадбирда вилоят ҳокимининг ўринбосари У.Жумагалдиев, шоир Э.Мадраҳимов, драматург Комил Аваз ва бошқалар сўзга чиқиб, 2010 йил - «Баркамол авлод йили» деб эълон қилиниши сиёсий партиялар билан биргаликда ижодкор зиёлилар зиммасига ҳам улкан масъулият юклаши, баркамол авлод тарбиясида барча бирдек масъул эканлигини таъкидлади.

Тадбирда ёш рассомлар ўз кўرғазмалари билан иштирок этишди.

ЎзМТДП Марғилон шаҳар кенгаши тиббиёт коллежида «Ёшлар ОИТС ва гиёҳвандликка қарши» мавзусида тадбир ўтказди.

Тадбирда сўзга чиққан партия шаҳар кенгаши Ижроия кўмитаси раиси Ш.Мадраҳимов, «Ёшлар қаноти» етакчиси М.Исоқова, шаҳар ОИТСга қарши курашиш маркази шифокори М.Юсупов ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларни ОИТС ва гиёҳвандликдан асраш, ўсиб келаётган ёш авлодининг соғлом, баркамол бўлиб ўлгайишларида ота-она, маҳалла, таълим муассасалари, партия ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ҳақида фикр юритдилар. Партия фаоллари коллеж талабалари билан мазкур мавзу юзасидан туманларда кўрғазмали-маданий тадбирлар ўтказишни келишиб олишди.

ЎзМТДП Қўшқўпир туман кенгаши томонидан туман марказий шифохонасида «Меҳнатдан бахт топанлар» мавзусида тадбир ўтказилди. Тадбирдан қўзланган мақсад қарияларни қадрлаш, улар саломатлигига эътибор қаратиш, ғамхўрлик қилишдан иборат бўлди.

Тадбирда иштирок этган фахрийларга партия томонидан эсдалик совғалари топширилди.

ЎзМТДП Сўх туман кенгаши «Хушёр» ҚФЙ фаоллари иштирокида «Одам савдосига қарши курашиш» мавзусида тадбир ўтказди.

Туман кенгаши Ижроия кўмитаси раиси А.Эркабоев, Республика маънавият тарғибот маркази туман бўлими раҳбари А.Раҳмонов тадбирда сўзга чиқиб, қўпчилик инсонлар онгини заҳарлайдиган ва улар дунёқарашига салбий таъсир кўрсатадиган турли ёлғон «ваъдалар»га учиб, алданиб, жабр кўраётгани, бунинг энг катта сабабларидан бири - аҳолида ҳуқуқий билимлар етишмаслиги ва бунинг олдини олиш учун чекка туман, қишлоқларда тарғибот - ташвиқот ишлари қўламини келгайтириш қутилган самарани беришини айтиб ўтдилар. Тадбир сўнггида ҚФЙ фаоллари маҳалларда олиб бориладиган таъсирчан тадбирлар билан иштирокчиларни таништириб ўтишди.

ЎзМТДП Хонқа туман кенгаши томонидан иқтисодиёт касб-хунар коллежида «Баркамол авлод - келажак пойдевори» мавзусида ўтказилган тадбирда сўзга чиққан ЎзМТДП туман кенгаши Ижроия кўмитаси раиси А.Бекжанов, Президентимиз раҳнамолигида юртимизда ёшларга кўрсатилаётган эътибор ҳақида гапириб, жумладан шундай деди:

- Мустақилликка эришганимиздан сўнг мамлакатимизда таълим соҳасини ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилди. Бугун ёшларимизга билим олушлари учун кенг имкониятлар яратилган. Айнан бизнинг коллежимизда ҳам талабаларга барча шарт-шароитлар бор. Ўқувчилар қизиқиш ва қобилиятларини тўғри йўналтириш ва шакллантиришда, айниқса, тўғарақларимиз самарали таъсир этмоқда. Хусусан, тикувчилик, каштачилик, зардўзилик каби миллий хунармандчилик йўналиши, фан ва спортнинг барча турлари бўйича олиб борилаётган машғулотларга ёшларнинг қизиқиши ортиб бормоқда.

Тадбир қизгин савол-жавоб, баҳс-мунозараларга бой тарзда мароқли ўтди.

ЎзМТДП Хоразм вилоят кенгаши «Ёшлар қаноти», вилоят Статистика бошқармаси ҳамкорлигида «Баркамолликнинг етти қирраси» мавзусида энг фаол талабалар иштирокида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда ЎзМТДП вилоят кенгаши Ижроия кўмитаси раиси ўринбосари Дилбар Бекжонов, «Ёшлар қаноти» етакчиси Комил Бекжонов, етакчи мутахассис М.Тўрабоев сўзга чиқишди.

Нотиклар бу йил «Ёшлар қаноти» зиммасига катта масъулият юклашини таъкидлаб, асосий вазифалардан бири сифатида вилоят ёшларининг сиёсий фаоллигини янада ошириш эканлигини эътироф этдилар.

Худди шундай тадбирлардан бири ЎзМТДП Самарқанд шаҳар кенгаши томонидан 14-умумтаълим мактабида «Ёш авлод - Ватан келажак» мавзусида ўтказилди.

Тадбир иштирокчилари сўзга чиқиб, кун тартибидagi масалалар юзасидан ўз фикр-мулохазалари, тақлифлари билан ўртоқлашди. Жумладан партия шаҳар кенгаши Ижроия кўмитаси раиси Ў.Қаршиев, олий тоифали тил ва адабиёт ўқитувчиси Ҳ.Ҳеёева юртимизнинг эртанги кун тараққиёти учун етук мутахассислар етиштириб чиқариш, ўғил-қизларнинг баркамол бўлиб камол топишларида масъулиятни барча бирдек зиммасига олиши кераклигини таъкидлаб ўтдилар.

ЎзМТДП Урганч шаҳар кенгаши томонидан 37-сон мактабгача таълим муассасасида «Йўл қондаси - умр фойдаси» мавзусида тадбир ўтказилди. Унда ЎзМТДП шаҳар кенгаши Ижроия кўмитаси раиси ўринбосари Б.Жуманиёзов, шаҳар ИИБ вакили Б.Ибрагимов сўзга чиқдилар.

Улар ўз сўзларида ҳар бир фуқаро «Йўл қондаси - умр фойдаси», деган шioriга доимо амал қилиб яшашни фойдадан холи бўлмаслиги, унинг замирида инсон ҳаёти ётанлигига ургу бердилар. Бунинг учун йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилиш, бу борадаги билим ва қўникмаларни мустаҳкамлашга ёшлиқдан эътибор қаратиш лозимлиги айтилди. Ана шу вазифалардан келиб чиқиб, бугунги кунда шаҳардаги мактабгача таълим, ўрта умумтаълим муассасаларида олиб борилаётган амалий ишлар, эришилаётган ижобий натижалар алоҳида тилга олинди.





## ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

## ЎЗЛИК

2003 йилнинг кеч кузи... Таътилга чиққаним боис Қримда муқим яшаб қолган дўстим Абдушукруннинг кўнглини чоғлаш ва шу баҳона сайру саёҳат уюштиришни мақсад этиб у юрт томон жўнадим. Дўст қадрини дўст билар деб бежиз айтишмаган чоғи, борган кунимдан ҳаманоқ жўрамнинг ўзику ўзи, ошласи ҳам мени ўз яқин инисидий қабул қилаётгани кўнглимни янада равшан этди. Меҳмоннинг изни мезбонда бўлади, деганларидек, биз икковлон шу яқин атрофда яшайдиган ва жўрамга яқин таниш бўлган кишининг уйига меҳмонга чоғландик. Уй эгалари ҳам келишимиздан воқиф бўлганлари боисми, ораста ҳовлиларининг дарвозасини катта қилиб очиб қўйишган.

## Бағрикенгликка қўйилган обида

ЎЗБЕКНИНГ ШОНЛИ ТАРИХИ, ШАРАФЛИ БУГУНИ ВА БУЮК КЕЛАЖАГИГА ЭҲТИРОМДИР

Хушвақт АБДУЛЛАЕВ

Дарвоза ҳатлаб ҳовлига киришим биланоқ ёшу қари бир сафга тизилиб бизни интиқлик билан қўтишаётганлигини кўриб бошқача бўлиб кетдим.

- Абдушукрун болам, сен билан Ўзбекистондан меҳмон борлигини эшитиб, бугун бутун оиламиз уйдан ташқари ҳатлаб чиққанимиз йўқ, - деб гап бошлади ёши кекса бир онахон ўзбекча ва крим-татар

олган ксенофобиянинг турли кўринишларидан хабардор-миз. Шу ўринда аниқ ишонч билан айта оламизки, ўзбеклар учун бу бутунлай ёт нарсас. Чунки, бу ер фарзандлари кўна замонлардан буён маданият, илму фан ва одабийлик борасида кўпларга ўрнак бўлганлар.

Ҳақиқатдан ҳам маърифатпарвар элимизнинг илму ирфон, маданияту санъат ва бонингки ҳарбий салоҳият бо-

далолатдир. Ер юзидан муқобили бўлмаган «Байналмилал» миллий маданият марказининг Юртбошимиз шафелида ташкил қилинганлигини ўзи ҳам, шу юртни Ватан деб билиб юрган заминдошларимизга кўрсатилган эҳтиром натижасидир. Юқоридаги фикримиз инъикоси ўлароқ шунини яна такрор-такрор айтсак ўринлики: ўзбек қавми билан ўзбек элида бир бўлиб, юрагида юртга бўлган муҳаббат ҳиссини туйиб яшаётган, турли миллату турфа диний эътиқодга мансуб бўлганларнинг барчаси ўз эмин-эркинликларига ҳеч бир даҳл сезмаётганликлари айни кун ҳақиқатидир. Сўз ўрнида келтириб ўтсак ҳам бўлади: ўтган йилнинг сентябрь ойида тожикистонлик қариндошларимиз бир тўй баҳонасида Самарқанд, ундан сўнг Тошкентга сафар уюштиришди. Уларнинг истакларини инобатга олиб, аввал Хастимом масжид мажмуасида ва кейин мамлакатимиз бош майдонида бўлди. Улар ободончилик қўламининг нақадар кенглигини кўриб:

- Бу каби хайрли ишларнинг бошида турганларнинг отасига бале, қанидйи бизнинг катталар ҳам очик кўзу ёруғ юз билан бундайин ўзгартирилари келиб кўриб билсалару, қошки эди ўзларига ўрнак олсалар, - дея минг бор тасанноларини халқона лутф

■ **Шу боис Симферополда ўрнатилган ўзбекларга нисбатан ҳурмат белгисини мамлакатимиз шонли тарихи, шафоатли бугуни ҳамда шавкатли келажагига ҳурмат-эҳтиром белгиси дея қабул этсак арзийди.**

ила баён этганларига қамина гувоҳ бўлганман. Яна бир қизиги ҳамроҳлик қилиб темирйўл вокзали томон ўтаётганимизда меҳмонларнинг ёши улуглар:

- Ия, мана бу шунча катта ўрис мачитми?,- деди вокзал атрофидаги Рус православ черковига ишора қилиб. Мен шу ўринда мамлакат сиёсати, қоидаю қонунлари барча динларга турли миллатларга бир хил назар билан қарашга асосланганлигини айтдим. Жумладан, кўпчиликини ташкил қилишмасида поляк-католик ибодатхонаси ҳам доимо фаолият юритаётганлигини, бонингки нафақат диний йўналиш ва балким таълиму тил соҳасида ҳам бу ўз аксини топаётганлигини, қозоқ, рус, қирғиз, туркман, тожик мактаблари мавжуд эканлигини уқтира кетдим. Шунда меҳмонларим:

- Жиян, сиз таъкидлаётганингизни биз бошдан ўтказиб кўрганамиз, бу халқнинг юраги кенг эканлигини ўшандаёқ минг қарра ҳис қилганмиз. Ёдингиздами, бизнинг юртда ур-йикит, қир-пичоқ бўлган пайтлар оилаларимизни йиллаб меҳмон қилган шу Ўзбекистон халқи ва бизга ҳаммиса биродарона муносабат кўрсатган ўзбек раҳбарияти-ку. Биз бунини қандай қилиб унутамиз, бу нонқўрлик бўлмайдими ахир,- дейишди. Улар мен айтган сўзлардан кўра ўз кўзлари билан кўрган-


ларидан кўпроқ билганларини ишора қилишгач тиним олиб, ўз ҳолларича томоша қилишларига имкон яратишга ҳаракат қилдим.

Ҳа, бугун ҳам бағрикенгликни салкам уч минг йиллик тарихи давомида ўзига асос қилиб олган ўзбегим шундай умргузаронлик қилмоқда. Юқорида таълим ҳақида ҳам фикр билдирдик. Келинг маълумотларга ҳам бир назар ташлайлик: бошланғич таълим соҳасида ўзбек тилидаги мактаблардан ташқари рус тилида 769 та, қозоқ тилида 493 та, қорақалпоқ тилида 378 та, тожик тилида 203 та, қирғиз тилида эса 61 та ва туркман тилида 47 та мактаб мавжуддир.

Олис ва яқиндан келаётган бани одам фарзандлари бунини кўргач ҳазрати инсонга хос давлатчилик намунаси, дея қабул қилмоқдалар. Шу сабаб бўлса керак халқаро сиёсий доираларда ўз ўрни ва сўзига эга бўлганлардан ҳисобланган профессор Леонид Левитин ўзининг «Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида» деб номланган китобида куйидагиларни келтириб ўтади: «Мустақил Ўзбекистонда қилинган ва қилинаётган ишларни турлича баҳолаш мумкин. Бу мамлакат тарихининг бурилиш босқичида ҳокимият амалга оширган кўпгина ишлар ва умуман ижтимоий ҳаётдаги воқеалар ҳусусида бир-бирига қарама-қарши фикрлар мавжуд. Лекин бунда ижтимоий борлиқнинг шундай соҳаси борки, у ҳақда ҳамманинг фикри деярли бир хил. Бу - элатлараро муносабатлар соҳасидир. Бу соҳада жуда умумлаштириб айтганда, Конституциянинг тегишли қоидалари ва улар асосида қабул қилинган қонунлар билан реал ҳаёт ўртасида тафовут йўқ». Айтишларича, XX аср адабиётида катта янгилик қилган ва олимлар тили билан айтганда экспрессив адабиётнинг йирик йўлбошловчиси аталган Франс Кафка «Тошкент нон шаҳри» асарини ўқиб:

«Бу қадар меҳридорё юраги фақат яхшиликка йўғрилган халқни ҳеч қачон енгиб бўлмайди», деган экан. Изоҳга ҳоҳат йўқлигини билсакда... мардликка, тантиликка бўлган яна бир жавобни шу ўринда айтиб ўтмасак бўлмас.

Ўша Қримга қилган сафаримда бир йил ўтган, машум тузум қатагонининг олтимиш йиллигини чўқур ҳўрсиниш ила ёдга олган крим-татар биродарларимиз автономиянинг маркази бўлиши Симферополь шаҳрида «Оғир қўнларимизда жонимизга оро қирган Ўзбекистон ва ўзбекларга чек-



БАРКАМОЛ АВЛОД

## Ёшлар

ЮРТ РАВНАҚИ ЙЎЛИДА БОР КУЧ ВА САЛОҲИЯТЛАРИНИ САФАРБАР ЭТИШЛАРИ ЛОЗИМ

(Давоми. Боши 1-бетда)

аталган икки мисрალი газали билан устоз Лутфийни лол қолдирган. «Малик ул-калом» эса умри давомида ёзган ўзининг барча ашўрларини Навоийнинг ушбу икки мисра газалига алмаштиришини айтган. Шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур 12 ёшида отаси вафотидан сўнг тахтга ўтирган ва ўша пайтларда Мовароуннахрда марказлашган давлат тиклашга интилган. Буюк Хоразмшоҳ 21 ёшли Жалолиддин Мангубердиннинг номи эса мўғул истилочилари юрагига ваҳм солган.

Шундай муқаддас заминда туғилганимиз, шу юрт фарзанди бўлганимиз учун кўнглимиз фахри-ифтихорга тўла. Бу фахри-ифтихор тўғуси бизларни фақат олдинда бўлишга қорлайди. Бугун биз ёшлардан буюк аждодларимизга муносиб авлод бўлиш талаб этилади. Демак, бизларга яратилаётган имкониятлардан оқилона фойдаланиш билан бирга, бурч ва масъулиятни ҳис этишимиз, ишончини оқламоғимиз лозим.

Республикамиз аҳолисининг ярмидан кўпини ёшлар ташкил қилади. Истиклолимизнинг дастлабки йилларидаёқ юртимизда ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари, жамият ва давлат қурилишида, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги фаол иштирокини тўла таъминлашга қаратилган зарур ҳуқуқий асослар ишлаб чиқилди. «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Қадрлар яратилаётган имкониятлардан оқилона фойдаланиш билан бирга, бурч ва масъулиятни ҳис этишимиз, ишончини оқламоғимиз лозим.

Мамлакатимиз аҳолисининг ярмидан кўпини ёшлар ташкил қилади. Истиклолимизнинг дастлабки йилларидаёқ юртимизда ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари, жамият ва давлат қурилишида, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги фаол иштирокини тўла таъминлашга қаратилган зарур ҳуқуқий асослар ишлаб чиқилди. «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Қадрлар яратилаётган имкониятлардан оқилона фойдаланиш билан бирга, бурч ва масъулиятни ҳис этишимиз, ишончини оқламоғимиз лозим.

Мамлакатимиз аҳолисининг ярмидан кўпини ёшлар ташкил қилади. Истиклолимизнинг дастлабки йилларидаёқ юртимизда ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари, жамият ва давлат қурилишида, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги фаол иштирокини тўла таъминлашга қаратилган зарур ҳуқуқий асослар ишлаб чиқилди. «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Қадрлар яратилаётган имкониятлардан оқилона фойдаланиш билан бирга, бурч ва масъулиятни ҳис этишимиз, ишончини оқламоғимиз лозим.

Мамлакатимиз аҳолисининг ярмидан кўпини ёшлар ташкил қилади. Истиклолимизнинг дастлабки йилларидаёқ юртимизда ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари, жамият ва давлат қурилишида, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги фаол иштирокини тўла таъминлашга қаратилган зарур ҳуқуқий асослар ишлаб чиқилди. «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Қадрлар яратилаётган имкониятлардан оқилона фойдаланиш билан бирга, бурч ва масъулиятни ҳис этишимиз, ишончини оқламоғимиз лозим.

Отахоннинг бу каби ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишларини амалга оширишда ўғиллари Ширинхон, Аҳмадхон, Собитхон, Отабекларнинг ҳиссалари катта.

◆ **ИМКОНИЯТ**

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози мамлакатимиз иқтисодиётига таъсирини камайтириш мақсадида зарурий чоралар кўрилиб, тадбирлар режаси ишлаб чиқилиши самарали кечмоқда.

## Банклар фаолияти

иқтисодий механизмларнинг тўлиқ ва самарали ишлашига тўртки бўлмоқда

Парда ЖУМАЕВ,  
«Milliy tiklanish» мухбири

Президентимиз Ислам Каримов «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш - давр талаби» маърузасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш масаласига тўхталиб, бу соҳанинг тараққиёти биз учун муҳим аҳамиятга эга эканини алоҳида таъкидлаган эди.

Мутахассисларнинг фикрича, бозор иқтисодиёти шароитида барча соҳа тармоқларининг изчил фаолият юритишида молия муассасаларининг ўрни муҳим аҳамиятга эга. Зеро, банкларнинг барқарор фаолияти барча иқтисодий механизмларнинг тўлиқ ва самарали ишлашини таъминлайди. Шу таразда юртимиз раҳбарининг ташаббуси билан амалга оширилаётган банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш, унинг мамлакат пул-кредит сис-темадаги ролини мустаҳкамлашга қаратилган изчил чора-тадбирлар жаҳон иқтисодий инқирози давом этаётган ҳозирги шароитда, айниқса, долзарб касб этаётди.

Ўзбекистон танлаган йўл - ижтимоий йўналтирган эркин бозор иқтисодиётига ўтиш модели узоқни қўлга-ган тўғри йўл эканини бугун мамлакатимизнинг банк тизими мисолида ҳам аниқ кўриш мумкин. Жумладан, тижорат банкларини қўшимча рағбатлантириш ва уларнинг фаолиятини кучайтириш, инвестициявий имкониятларини янада кенгайтириш, ресурс базаларини мустаҳкамлаш, шунингдек, аҳолига кўрсатилаётган банк-молия хизматлари сифатини яхшилаш борасида ҳаётга татбиқ этилаётган амалий ишлар ўз самарасини бераёпти.

Қурилаётган ана шундай чора-тадбирлар тўғрисида кичик бизнеснинг Навоий вилояти ялпи ички маҳсуло-тидаги улуши ортиб бормоқда. Бугунги кунда вилоятда иш билан банд бўлган жами аҳолининг 68 фоизидан кўпроги айнан шу соҳада меҳнат қилаётди.

Юртимизда банк тизимининг кўмаги сановат, қишлоқ ҳўжалиги, транспорт, қурилиш, қайта ишлаш каби тармоқларини молиявий қўллаб-қувватлашга қаратилган ўзининг юксак самарасини бермоқда. Жумладан, «Микрокредитбанк» АТБ вилоят филиали томонидан кичик бизнес хусусий тадбиркорлик ва фермерларни, яъна тартибдаги меҳнат фаолиятини, оилавий бизнес ва касаначиликни ривожлантириш борасида салмоқли ишлар қилинганлигини кўраимиз. Рақамларга эътибор қаратсак: 2009 йилнинг ўтган даврида 11 млрд. 650 млн. сўмлик микрокредит ажратилди ва микролизинг хизмати кўрсатилди. Банк кўмаги билан кичик корхона-лар ташкил топаяпти, янги иш ўринлари яратилмоқда.

Масалан, Қармана туманида тадбиркор Фани Муқимов томонидан «Экспресс-Экономика» гишт ишлаб чиқариш корхонаси учун 41 млн. сўм микролизинг, Навоий шаҳрида Алишер Раимов раҳбарлигидаги «Пардос-Сервис» қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхонасига 14 млн. сўм кредит берилди. Томонда ҳам янги ишлаб чиқариш линияларини ташкил этиш ва янги техно-логияларни олиб келтириш борасида истиқболли лойи-ҳалар ишлаб чиқилмоқда. Шунингдек, корхоналарни модернизациялаш ҳисобига ишлаб чиқаришни кенгайти-

риш юзасидан дастурга киритилган оҳақ ишлаб чиқарувчи «Ақтау-Проминвест» шўъба корхонаси учун 100 млн. сўм имтиёзли кредит ажратилиб, шу каби ишлаб чиқариш субъектлари фаолияти йўлга қўйилди. «Ақтау-Проминвест» корхонаси 20 нафардан ортқ янги ишчи ўринларини яратди, шу билан бирга томдликларнинг қурилиш материалларга бўлган эҳтиёжи қондирилди.

Ажратилган кредитларни вилоят бўйича 2008 йилнинг шу даврига нисбатан солиш-тирсак, режадан 3 млрд. 241,4 млн. сўмга кўп микрокредит ажратилганлигининг гувоҳи бўламиз. Мазкур микрокредитлар эвазига вилоятда жами 7497 та янги иш ўрни яратилди. Вилоят бўйича Инқирозга қарши чора-тадбирлар Дастурлари ва йил моҳияти бўйича қатор дастурлар ижроси таъминланиб борилаётганлиги туфайли шундай натижага эришилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон хотин-қизлар кўмагисини фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижроси юзасидан «Микрокредитбанк» акциядорлик тизими мисолида ҳам аниқ кўриш мумкин. Жумладан, салмоқли ишлар амалга оширилди. Жумладан, жорий йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида тадбиркорлик билан шуғулланадиган хотин-қизларга режадаги 850 млн. сўм ўрнига 1 млрд. 50 млн. сўмлик кредит ажратилди. Бу билан 688 нафар аёл доимий иш ўрнига эга бўлди.

Дарҳақиқат, банклар ҳар бир давлат иқтисодиётини озиқлантириб турадиган қон томirlаридир. Ҳозир мамлакатимизда тижорат банкларининг ликвидлиги ташқи мажбуриятлари бўйича тўловлар ҳажидан 10 баробар экани ҳам Ўзбекистонда банк тизимидаги ислохотлар аниқ йўналтирилганлигининг амалдаги тасдиқидир. Биргина 2008 йилда мамлакатимизда ёш оилалар учун уй ҳўири ишларига 46 млрд. сўмлик, шу жумладан Навоий вилоятида 8 млрд. сўмлик кредит ажратилганлигининг ўзиёқ Ўзбекистон иқтисодий салоҳиятининг нечоғли юқори эканлигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасининг «2009-2010 йилларда Навоий вилоятини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури тўғрисида»ги 2009 йил 11 февралда қабул қилинган 37-сонли Қарори вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда муҳим омиллардан бири бўлди. Ушбу дастурнинг бажарилиши натижасида вилоятда минглаб иш ўринларининг яратилишига юзлаб кичик корхоналарнинг ишга тушишига эришилади.

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили»да ҳам банк тизимини ривожлантириш, иқтисодиётимизнинг муҳим тармоқларини молиявий қўллаб-қувватлаш борасида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, қишлоқ жойларида банк хизматларини кенгайтириш, минибанклар ташкил этиш давом этаётди. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодиётимизни янада юксалтириш ва халқимиз фаровонлигини оширишга, аҳолини банкка бўлган ишончини орттиришга хизмат қиладди.



# ХАЛҚАРО ҲАЁТ

**БИЗНИНГ ШАРҚ**

Ямандаги хавфсизлик масаласи Рождество арафасида Амстердамдан АҚШнинг Детройт шаҳрига парвоз қилаётган йўловчи самолётида юз берган ҳодисадан сўнг асосий ўринга чиқиб олди. Эслатиб ўтамиз, Нигерия фуқароси Умар Фаррук Абдулмуталлаб ўзининг ички кийимига портловчи мослама солиб, уни А-330 самолётида ишга туширмоқчи бўлган бир вақтда йўловчиларнинг саъй-ҳаракатлари билан йирик террор ҳодисасининг олди олинган эди. Детройт аэропортида террорчи Федерал Тергов бюроси ходимлари томонидан қўлга олинди. Бир вақтлар Британияда тағлим олган 23 ёшли Умар Фаррук Абдумуталлиб “Ал-Қоида”нинг Ямандаги базаларидан бирида ҳарбий тайёргарликдан ўтгани аниқланди.

**Ш.Тўлаганов**

Тахлилчиларнинг сўзларига қараганда, Яманда фаолият юритаётган “Ал-Қоида”нинг тармоғи нафақат АҚШга, балки жаҳон ҳамжамиятига жиддий таҳдид солмоқда. Шу муносабат билан БМТ бош қотиби Пан Ги Мун Ямандаги бугунги вазиятдан ташвишга тушаётганини билдириб, шу йилнинг 27 январь кuni Лондонда ўтказилиши кутилаётган халқаро анжуман госясини қўллаб-қувватлади. “Мен Ямандаги вазиятга бағишланган анжуманда иштирок этаман. Бу конференция Ямандаги ижтимоий муаммоларни, хавфсизлик масалаларини ҳал қилишга қаратилган”, деди Пан Ги Мун. Шунинг таъкидлаш кераки, аслида Афғонистондаги бугунги вазият юзасидан 28 январда халқаро анжуман ўтказилиши кун тартибига киритилган эди. Бироқ сўнгги вақтларда юзга келган вазият сабаб, айрим давлат раҳбарлари Ямандаги террорчиликка қарши курашга бағишланган халқаро анжуман ўтказилиши керак, деган ташаббус билан чиқишди. Бу таклиф жаҳон ҳамжамияти томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Ҳозирча, бу икки муаммога бағишланган тадбир бир кунда, яъни 28 январда ёки бошқа-бошқа саналарда ўтказилиши аниқ эмас. Бироқ, Ямандаги вазият 27 январда, Афғонистондаги аҳвол 28 январда муҳокама қилиниши мумкин, деган

**РАНГИН ДУНЁ**

Сайёрамиз турли сир-синоатларга бой. Айниқса, ер шарининг турли бурчаклари ўзига хос ва ўзига мос мўъжизаларга эгадир. Шундай экан, ер юзидagi айрим ҳудудларда ғалати ҳодисалар рўй бериши ҳам табиий. Аммо биз ҳаётимизда содир бўлаётган ҳодисаларга ё аҳамият бермаймиз ёки уни пайқамаймиз. Олимлар ана шундай ҳолатларнинг бирини «геопатоген майдон» деган атама билан боғлашмоқда.

**Махфуза ХУДАЙБЕРГАНОВА, “Milliy tiklanish” мухбири**


Замонавий тиббиёт ҳам бугунги кунда геопатоген майдоннинг инсон турмуш тарзи, саломатлиги, ҳатто ҳайвон ва ўсимликларга таъсир этишини ҳам тасдиқламоқда. Бироқ, бу майдоннинг табиат ва биологик жараёнга қандай таъсир этиши ҳали аниқланганича йўқ. Олимларнинг таъкидлашича, геопатоген майдон ер қатламнинг чуқурлигидаги тектоник ўзгаришлар рўй беришининг оқибатида таркиб топади. Яъни, тектоник бузилишлар рўй берган майдон тубида тоғ жисмларининг ўзгариши содир бўлиб, унинг натижасида ер тубидан оғир металллар газ ва буғ тарқала бошлайди. Бундай жойлар «геопатоген майдон» деб аталиб, у инсон саломатлигига салбий таъсир этади. «Геопатоген» сўзи грек тилидан олинган бўлиб, гео (ge)- ер, патос (pathos)- азоб ва генезис (genesis)- таркиб топган маъносини билдиради. Мутахассислар аслида икки хил — геоактив ва геопатоген майдон мавжуд, дейишмоқда. Геоактив майдон инсоннинг жисмоний, ижтимоий, руҳий фаоллигини оширади. Геопатоген майдон эса аксинча, инсон саломатлигига салбий таъсир қилиб, руҳий тушунлиққа сабаб бўлади. Содда қилиб айтганда, инсон саломатлиги унинг қаерда улаши ва дам олишига, меҳнат самардорлиги эса иш жойига боғлиқ экан. Қадимда одамлар уй қуриш учун ер танлашадиганларида аввал ўша жойга мол подасини ҳайдаб юборишган. Улар ўзини қаерда хотиржам тутган бўлса ўша ерга уй қуриш-

ган. Ёки чўлда кетаётган қарвон тую қаерда тўхтаса ўша жойда ўтов тикиб дам олган. Ҳатто ҳозирги кунда ҳам айрим элатлар янги уйга кўчиб ўтишганида аввал уйга мушукни қўйиб юборишади ва у қаерда тўхтаса шу хонани ётоқхонага мўлжаллашади. Аристотель ҳам ўз даврида инсон саломатлигига таъсир этадиган майдонни «ер бўшлиғи», деб атаган. Кейинчалик Луи Тюренъ тадқиқот ўтказиб, ернинг айланалигини ҳисобга олган ҳолда қуёш ботадиغان тарафга бош-ни, тонг отган томонга оёқни уза-тиб ётиш лозимлигини аниқлаган. Дарвоқе, саломатлигимиз ҳақиқатан ҳам нотўғри ўрин танла-шимизга боғлиқмикан? Мутахассисларнинг таъкидлаши-ча, бу оламда геобиологик тўр қат-лами мавжуд бўлиб, у шимолдан жанубга қараб 2 метр, шарқдан ғарб-га қараб 2,5 метр оралиқда тўр тўқи-малари шаклида жойлашган экан. Ана шу тўқималарда негатив био-майдон бўлгани учун инсон соғлиги ва яшаш тарзига салбий таъсир этиши мумкин. Олимлар айна пай-тда бу кўзга қўринмас тўр кесими-ларини мятник ёрдамида аниқлаш-моқда. Мутахассислар, геоактив майдон соат стрелкасига монанд ҳаракатланади ва унинг белгиси «мусбат», геопатоген майдон эса

соат стрелкасига қарши томонга айланади ва унинг белгиси «ман-фий» дейишмоқда. Айтишларича, бу майдонни оддий уй-шароитида ҳам аниқлаш мумкин экан. Бунинг учун мятник ўрнига оғир тилла узук олин-иб, игна осилади ва белгилан-ган майдонда қўлда муаллақ ҳолат-да ушлаб турилади. Ана шундай ҳолатда узукнинг айланиш механиз-мига қараб майдоннинг қандайли-гини билиш мумкин. Геопатоген майдон муаммоси би-

лоақал ётоғини алмаштириб ши-фо топиши мумкинлигини таъкидлаган. Уй ҳайвонларини парваришлайётган кишиларга эса ҳайвонларнинг ётиш жойини танлашни ўзига қўйиб бе-ришни маслаҳат беради. Дарвоқе, юқорида баён этилган геобиологик тўр ҳам Хартманинг кашфиёти бўлгани учун «Хартман тўри» деб аталган.

Геопатоген майдон хусусида турли давлатларнинг (Бельгия, Швейцария, Франция, Австрия,



лан ilk бор олим Густав фон Поль шуғулланган. У шаҳарларнинг бири-да саратон касаллигидан вафот эт-ган бир гуруҳ кишиларнинг ётоқхо-наларини текшириб, қароватлар деярли геопатоген майдонда жой-лашганини аниқлаган. Айрим олим-ларнинг фикрига қараганда, 1976 йилда немис олими(ГРФнинг гео-биологик тадқиқотлар институти раҳ-бари) Эрнест Хартман бу майдон ҳақида ilk бор китоб чоп этган. Хартманининг ушбу китобидаги ай-рим фикрларини келтириб ўтсак. У аввало инсон соғлигига низоҳатда аҳамият бериш кераклиги ҳамда бемор ҳеч қандай даво толмаганда

Чехословакия, Россия) ҳар хил соҳа вакиллари тадқиқотлар ўтқа-зишган (физик олимлар, ши-фо-корлар, электр соҳасидаги бир қанча мутахассислар) ва бир қанча далилларни келтиришган. Улар-нинг аксарияти (50 фоиздан 80 фоизгача) саратон касаллиги гео-патоген майдон билан боғлиқ дей-ишмоқда. Нафақат, саратон бал-ки, ушбу майдон организмнинг ҳимоя кучини пасайишига таъсир этиб инсон неврроз, юрак хаста-ликлари, ланжлик, мигрень касал-ликларига дуч келиши ҳам эхти-молдан холи эмас. Олимлар ўз тадқиқотлари даво-

мени анчадан бери ташвишга солиб келади. Минтақа худди Сомали синга-ри “Ал-Қоида”нинг таъсир доирасига тушиб қолишидан хавотирдаман”, дея қайд қилди Майк Маллен.

Америка адмирали таъкидлаб ўтгани-дек, Яман расмийлари мамлакатга АҚШ ёки бошқа давлат ҳарбийлари кириб, “Ал-Қоида” жангариларига қарши махсус амалиёт ўтказишига қарши чиқмоқда. Мамлакат Ташқи ишлар вазири Абу Бакр ал-Кирби “Ассошиэй-тед Пресс” ахборот агентлиги мухбири-га берган интервьюсида “хориж ҳар-бийларини Яманга киритиш оғрикли масала” эканлигини таъкидлади. Шу билан бирга у Яманда америкалик ҳарбий инструкторлар борлигини эслатиб ўтар экан, улар шу мақомда фаолиятларини давом эттиришлари мумкинлигини қайд қилди. Яман ҳукума-ти расмийлари, “Ал-Қоида” халқаро террор тармоғи мамлакат ҳудудлари-дан Яқин Шарқ мамлакатларига қарши фаолият юритишда асосий плацдарм сифатида фойдаланаётганини айтиб келишади. Яман Бош вазирининг мудофаа ва хавфсизлик масалалари бўйича ўринбосари Ришад Муҳаммад ал-Алимининг сўзларига қўра, террор-чилар мамлакатнинг айрим минтақала-рида, жумладан жанубий ҳудудларида фаолият юритиб, хавфсизликка таҳдид солмоқда. Яман қуроли кучлари хавф-сизлик муаммоларини ҳал қилиш мақ-садида пойтахт атрофи ва мамлакат-нинг учта - Шавба, Мағриб ва Абиян вилоятларида кенг қамровли аксилтер-рор амалиётлари олиб бормоқда. Ҳукумат жаҳон ҳамжамиятига мурожаат қилиб, террорчиларни, террор хавфини йўқ қилишда ҳамкор бўлишга чақирмоқ-да. “Яман ҳарбий соҳадаги имкониятла-рини кучайтириш учун халқаро ёрдамга мухтож” дея таъкидлади ташқи ишлар вазири Абу Бакр ал-Кирби. АҚШ Пре-зидентининг ички хавфсизлик ва тер-роризмга қарши кураш масалалари бўйича ёрдамчиси Жон Бреннан Яман-да “Ал-Қоида” террор тармоғининг юзлаб аъзолари фаолият юритаётган-лигини қайд қилди. Унинг айтишича, нафақат Яманга, балки Ғарбга “кўз олайтираётган” террорчиларни йўқ қилиш вақти етиб келди. Ўтган йилнинг декабрь ойида Яман Президенти Али Абдулла Солиҳ ўз мамлакатига ҳарбий ҳолат шароитида яшаётганини таъкид-лаган эди. Унинг сўзларига қўра, Яман бир нечта йўналишда ҳарбий ҳаракат-лар олиб бормоқда.

Шу билан бирга минтақадаги барча - 7 араб давлатлари ташқи ишлар вазирлари барқарорлиги хавф остида қолган Яман ҳукуматини қўллаб-қувватлаш мақсадида мамлакат пойтахти Санада анжуман ўтказиш керак, деган ташаббус билан чиқишди. Мазкур анжуман Лондонда ўтадиган халқаро анжумандан аввал, январь ойининг учинчи ўн кунлигида мўлжалланганлиги айтилмоқда. Тадбирда Яманга иқтисодий кўмак кўрсатиш маса-лалари муҳокама қилинади.

## ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

### Ҳар бир

### сония қиммат

12 январь кuni Гаитида юз берган кучли зилзила оқибатларини бартараф этиш ишлари давом этмоқда.



Хабарларга қўра, табиий офатдан ҳалок бўлганлар сони 50 мингдан 200 минггача етиши мумкин. Вайроналар оқибатида йўллар ёпилгани боис инсонпарварлик ёрдамларини етказишда муаммолар юзга келмоқда. Зилзиладан азият чекаётган миллионлаб аҳоли қаровсиз қолган турли магазинлар, озик-овқат муассасаларини талон-тарож қилмоқда. Айни пайтда бу ерда тоза ичимлик суви, озик-овқат, дори-дармонлар танқислиги кузатилапти. Мам-лакатда қарийб бир ҳафтадан буён 2000 нафар халқаро кутқарувчилар ҳар бир со-ния қимматлигини ҳисобга олиб, кеча-ю кундуз ишлашмоқда. Кеча 20 соат даво-мида вайроналар орасида жароҳат олиб ётган 15 ва 17 ёшли қизлар кутқариб олин-ган. Ҳозирга қадар 60 нафарга яқин одам ҳалос этилгани айтилмоқда. Маълумот-ларга қараганда, кучли зилзила оқибати-да 3 миллиондан зиёд аҳоли жабрланган.

### Тезликни оширманг

Европада юз бераётган кучли бўрон-лар транспортлар ҳаракатида жиддий таъсир кўрсатмоқда.



Кеча Германиянинг шимолий ҳудуди қуйи Саксонияда ёққан қалин қор оқибати-да қўллаб автомобиллар тўқнашиб кет-ган. Ҳалок бўлганлар ҳақида маълумотлар тарқатилмаган. “Euronews” хабарига қўра, мамлакатнинг Стректош шаҳрида ҳам ҳаво ҳароратининг кескин пасайиб кетгани автомобиль ҳаракатларига жиддий таъ-сир кўрсатди. Ҳозир мазкур шаҳарнинг энг асосий йўллари вақтинча ёпиб қўйил-ган. Маҳаллий полиция аҳолига транспортдан фойдаланаётганда тезликни оширмаслиқни тавсия этишмоқда.

### Чили ва Украинада сайловлар

Украинада президентликка сайлов-ларнинг биринчи босқичи бўлиб ўтди.



Унда овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган украиналикларнинг 66,68 фоизи иштирок этган. Дастлабки натижаларга қўра, мухо-лиф ҳисобланган Регионлар партияси етакчиси Виктор Янукович 36,86 фоиз овоз тўплаган, Украина бош вазири Олия Тимошенкога сайловчиларнинг 24,35 фоизи ишонч билдирган. Яна бир ном-зод Сергей Тигипко эса 13,05 фоиз овоз тўплашга муваффақ бўлган. Амалдаги пре-зидент Виктор Ющенко номзодида эса атиги 4,87 фоиз сайловчи овоз берган.

Шунингдек, ўтган аякшанба 17 январь кuni Чилида ҳам мамлакат президентлиги-га сайловнинг 2-босқичи бўлиб ўтган. Ха-барларга қўра, унда “Чили альянси” партия-си етакчиси, минтақадаги таникли тад-биркор Себастьян Пиньера 51,6 фоиз овоз тўлаб, “Демократия иттифоқи” партияси-дан кўрсатилган номзод Эдуардо Фрейни ортда қолдирган. Янги Президентнинг ина-угурация маросими шу йилнинг 11 мартада ўтказилиши мўлжалланган.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди



## НИГОХ

## КАДРИЯТЛАРИМИЗ

Бугунги кунда миллий қадриятларимизни ривожлантиришга, халқ хунармандчилигини рағбатлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Заргарлик, каштадўзлик, зардўзлик, кулолчилик, сандиқсозлик, бешикчилик каби хунар турлари ривожланиб, халқ амалий санъати янгида янги намуналар билан бойиди. Ота-боболаримиздан мерос қолган миллий санъат намуналарини сақлаб қолиш ва келгуси авлодга етказишда хунармандларимиз томонидан ясалган, миллий услубларимиз сингдирилган буюмларнинг роли катта.

## Хунари бор хор бўлмас

Анорбой НОРҚУЛОВ,  
«Milliy tiklanish» мухбири

Сирдарё вилоятида миллий хунармандчилик йилдан йилга ривожланиб, турли маҳсулотлар истеъмол бозорини тўлдириб, юрт фаровонлигини таъминламоқда. Кулолчилик, гиламдўзлик, зардўзлик, сандиқсозлик, бадийи каштачилик турларини ишлаб чиқариш оммалашмоқда. Энг муҳими кўплаб ёшлар муқим иш ўринларига эга бўлмоқдалар. Вилоятда ўз ишнинг ҳақиқий устаси бўлган, миллий хунармандчилигимизнинг оммалашшишига муносиб улуш қўшаётган инсонлар жуда кўпчилигини ташкил этади. Ўзбекистон Бадиий академияси аъзолари, министратура мусавирлар Баҳодир Бобонозаров, Уктам Шодмонкулов, сандиқчи ва бешикчи аёл Машрабхон Каримова, пичоқчи Ҳабибулла Мамажонов,

зардўз Маҳмуд Ҳожиёв кабилар шулар жумласидандир. «Эл-юрт хурмати» ордени соҳибаси Машрабхон ая Каримовани вилоятда барча қўлигул хунарманд аёл сифатида ҳурмат билан тилга олади. Қўтлуғ 70 ёшини нишонлаётган онахон узок йиллардан буён бешик, сандиқ ясаб билан шуғулланиб келмоқда. Машрабхон ая тайёрлаган кўркам, бежирим сандиқ ва бешиклар не-не хонадонларга чирой бағишлаган, дейсиз. Қўлигул бу онахон билан сўхбатлашиш учун Гулистонга таширф буюрганимизда аяни шогирдлари даврасидан топдик. Машрабхон ая Гулистон шаҳридаги курилиш коллежи талабаларига ўзининг бор билим ва хунарини ўргатмоқда.

— Ҳазрат Мир Алишер Наво-

ий «Хунарни асрабон нетгумдир охир, олиб туфроққама кетгумдир охир», деган пурмаёно сатрларни битган эди, дейди Машрабхон ая биз билан сўхбатда. — Ёшларга хунар сирларидан сабоқ бериш ниятида миллий хунармандчилик устахонасини ташкил этдим. Бу ерда 30 нафардан ортиқ ёшларга хунар сирларини ўргатайман. Шогирдларим бешик, сандиқ, хонтахта, жавон, стол, стул, шкаф ва бошқа мебель жиҳозларини тайёрлаш сирларини пухта ўрганиб олдилар.

Вилоятимизда Машрабхон ая сингари хунармандлар кўпчилигини ташкил қилади, дейди «Хунарманд» уюшмаси вилоят бошқармаси бошлиғи Хайрулла Жўраёв. — Айни пайтда 80 нафардан зиёд хунармандларимиз ҳар чоракда 200 нафар ёшларни касб-хунарли бўлишларига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Ёшларга хунар ўргатиш мақсадида махсус ўқув курсла-



рини ташкил этганмиз. Жумладан, Гулистон шаҳрида «Моҳира», Янгйер шаҳрида эса «Бекажон» ўқув марказларини йўлга қўйдик. Бугунги кунда ота-боболаримиздан мерос қолган, асрлар оша яшаб келаётган миллий хунармандчиликнинг қирққа яқин турларидан самарали фаолият олиб бораётибмиз.

«Хунарманд» уюшмаси вилоят бошқармаси хайрли ишларини ҳам амалга оширмоқда. Шулардан бири сифатида бошқарма қошида «Хунарманд» музейи ташкил этилганлигини келтириш мумкин. Музейдан вилоятда фаолият кўрсатаётган 50 нафарга яқин энг таниқли, қўлигул хунармандларнинг ижод намуналари ўрин олган. Келажакда музей бисотидан 300 дан зиёд миллий хунармандчилик маҳсулотлари жой олиб, кўргазмага қўйилади.

Мазкур музейни ташкил қилишдан кўзланган мақсад вилоят аҳлини миллий хунармандларнинг ишлари билан яқиндан танишишларига имкон яратиш эди, дейди бошқарма бошлиғи Хайрулла Жўраёв. — Аҳоли хунармандларимизнинг ишлари билан яқиндан танишиб, тасаввурга эга бўладилар. Фаолиятимизни янада кенгайтириб, вилоят марказида ўқув-савдо марказини ҳам ташкил этишни режалаштирганмиз. Бу мажмуада халқ хунармандлари томонидан тайёрланган амалий санъат намуналари савдога чиқарилади.

Миллий қадриятларимизни ўзларининг меҳнат маҳсуллари орқали намойён этиб, элнинг дуосини олаётган хунармандларнинг ижод намуналарини кузатиб, фахр-ифтихор туйғуларини туйдик.

## СПОРТ

## Соғлом авлод — нурли келажак

Шайхонтохур туманидаги «Ёшлик» спорт мажмуида 1998-2000 йилда туғилган ўсмирлар ўртасида мини футбол мусобақаси ўтказилди. Ёш авлодни жисмонан бақувват, руҳан тетик бўлишида спортнинг ўрни беқиёс. 2010 йилнинг «Баркамол авлод йили» деб эълон қилиниши эса бу борадаги ишларни янада ривожлантиришга туртки бўлди.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали шаҳар ҳудудда жойлашган спорт мажмуалари, коллеж, лицей ҳамда ўрта таълим мактабларида доимий тарзда спорт мусобақаларини ўтказиб келмоқда. Бу ўз навбатида аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, соғлом авлодни тарбиялаш, баркамол келажак эгалари тарбиясида жисмоний ва маънавий камолот йўналигини таъминлаш имконини бераптир.

Ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишга қаратилган навбатдаги минифутбол мусобақаси мурасасиз курашларга бой бўлди. Тадбир сўнггида «Энг яхши дарвозабон», «Энг яхши ҳимоячи», «Энг яхши тўпурар» номинацияларида ғолиб бўлган ёшлар ҳомийлар томонидан тақдирланди.

## Ҳарбий-спорт ўйинлари мусобақаси

Тошкент Олий қўшин қўмондонлик ҳарбий билим юртида 14 январь — Ватан ҳимоячилари кўни муносабати билан умумтаълим мактабларининг 5-9-синф ўқувчилари ўртасида «Соғлом авлод учун» шиори остида ўтказилган ҳарбий-спорт ўйинлари декадасининг ёпилиш маросими бўлиб ўтди.

Ушбу декада «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, «Legion Fortis» Тренинг Маркази Нодавлат таълим муассасаси, «Ватан» хайрия жамғармаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Ўн кун давомида ўқувчилар турли спорт мажмуаларида волейбол, баскетбол, мини-футбол ҳамда ҳарбий саф ва қўшиқлар мусобақаларида ўзаро куч синашишди. Бундан ташқари, декада доирасида анъанага мувофиқ ҳарбий синф ўқувчилари ҳарбий жанг санъатида оширган маҳоратларини намойиш этди.

Декада чинакам, мард-жасур, соғлом ҳимоячиларни тарбиялаш ҳамда уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, рағбатлантиришга қаратилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

«Туркистон-пресс»

## ҚУШЛАР ОЛАМИ

Қушлар ҳавода учушга мослашган бўлиб, ерда ҳам, даракда ҳам яхши юра олади. Озуқага бўлган эҳтиёжи катта. Ҳавога кўтарилганда узоқ-яқиндаги нарсаларни яхши кўради ва йўл топа олади. Улар катта эстетик аҳамиятга эга бўлибгина қолмай зарарли ҳашоратларни еб қишлоқ хўжалигига фойда келтиради.



Дала чумчуғи ҳамма жойда ўтроқ ҳолда яшайди. Бир кунни жар ёқасида чумчуқларнинг бесаранжомланиб чирқиллаши диққат-эътиборимни тортди. Жарда бир талай инлар бўлиб, похол чиқиб турар, чумчуқ уясига чипор илон ўрмалаб келарди. Шунда ўнтача чумчуқ илон думидан ушлаб олганида танаси совуқ махлук ҳавода осилиб қолди. Олишув бир неча лаҳза давом этди. Охири талончи улар инига етиб боролмади. Ҳар гал ботаётган қуёш нурулари уйланининг томи ва даракт шохлари учига тушиб, жимирлаб жилва қилганида бойўғли инидан учиб чиқади. Унинг думи калта, танасининг устки томони оч кўнгил тусда, бошида

## Қанотли ҳимоячиларимиз

майда-майда холлари бор. Тумшуғи ва тирноқлари сариқ. Бойўғли кўпинча ғор ва қабристонларда бўлгани учун кишиларга сирли махлукдек кўриниб хурофи қўқув уйғотиб келади. Аслида эса бу нотўғри. У тунда фаол ҳаракатланиб, дала сичқони, сассиққўзан, қумсичқон каби кемирувчилар билан озикланади.

Қанотлари ола-була, думининг таги қизғиш тусда бўлган қизилиштон тиниб-тинчимас қуш бўлиб, яқка ҳолда яшашни хуш кўради. Ерга тушмай истар-истамас учиб юради. Бақувват тумшуғи билан чирган дарахт пўстлогини тешиб, тағидида ҳашорат ва личинкаларни бигизсимон ёпишқоқ тили билан чиқариб олади.

Ўтроқ ҳолда қамишзорларда яшовчи малларанг, думи узун, чаққон ва серҳаракат қуш чиптақ бир жойда тек турмайди. «Чув-чув» деб янграқ овоз билан сайраб, овозининг жарангдорлиги бошқа ҳеч бир қушникига ўхшамайди.

Барча рангларда жоловланувчи гўзаллик рамзи бўлган тустовуқлар ўсимликлардаги битларга қирон келтириши билан катта фойда келтиради. Чуғурчуқлар эса сўнгги ҳисоб-китобларга кўра анча камайиб кетган. Юқорида номлари санаб ўтилган ана шу қушларни ҳар қандай йўллар билан ҳимоя қилсак арзийди.

Майна ўтган асрнинг 40-йилларида мамлакатимизга Афғонистондан келтирилган. Бошининг устки томони ва ёнлари ялтироқ қулранг, қанотлари билан думи оқ аралаш кўнгил кўринишидаги бу зараркундалар дарахт қаваклари, томларнинг ораси ва ёриқ тирқишларига пат, кигиз, жун парчаларидан уя қуради. Одамлар кўпинча уни зағизгон билан бир хил қуш деб ҳисоб-

лашади. Фарқи шуки зағизгоннинг думи узун бўлади.

Сўнгги йилларда майналар сони кўпайиб кетганлиги учун думбул ғалла, узум ва ҳатто қовун-тарвузларга ҳам зарари теғмоқда. Ҳозирда уларга қарши курашишда чоратadbирлар кўришмоқда. Биргина Жиззах вилоятининг Зарбдор туман овчилар ва балиқчилар жамияти раиси Ленур Николаичукнинг сая-ҳаракати билан касб-хунар коллежлари ва мактаб ўқувчилари ўртасида майналарнинг зарари ҳақида тушунтириш олиб борилмоқда.

Фаслар алмашинуви бошланиб, Тянь-Шань тоғи чўққиларидаги об-ҳаво нуқолай келганлиги сабабли жануб томон йўл олган ўрдак ва ғозларнинг бир қисми ўлкаимизда қилишларига тўғри келди. Эндиликда уларни ўғринча ов қилувчилардан қўриқлаш ва қилиш-қировли кунларда озқалар билан парваришлаш нозирлар зиммасига юклатилган. Улар вақти-вақти билан туманнинг Тоғайтепа, Сутбулоқ, Шарқ юлдузи қишлоқлари ва Наврўз канали қирғоқларида рейд ўтказишиб, бегона овчиларнинг мавсумий йўлланма ва рухсатномалари бўлиши, аъзолик бадалларини тўлаб бориши ҳамда қуёш ботгандан сўнг ов қилиш таъқиқланишини назорат қилиб борадилар. Бунда нозирлардан ака-ука Тошбек ва Қаршибой Ҳожибеков ҳамда Игорь Самаркуловлар фаоллик кўрсатишяпти.

Л.Николайчукнинг рейд ва текширувларда кўпинча «Нива» автомашинасида тунаб қолишга тўғри келади. Бу — унинг иккинчи уйи ҳисобланади. «Лада» ва «Жучка» лақабли итлари ҳаммаша зийрак ва ҳушёр. Улар хавф-хатарларни олдиндан сезадилар. Шунингдек, ботқоқлик ва тўқайзорларда қилиб кетган ниҳон паррандаларни «Нива»-сига келтиришни яхши ўзлаштириб олишган.

Теварак-атрофимиздаги қушлар ҳар доим беозор ҳаракатланишади. Рангларнинг ёркинлиги уларни жалб қилиб дон ахтаришади. Уларга озиқ, дарахтларга эса фойдали қушлар зарур. Ҳа, қанотли ҳимоячиларимиз ўз қўноқларидан махрум бўлмаслиги учун бефарқ қараб турмаслигимиз керак.

Абдулла САИДОВ,  
Жиззах вилояти

## ЎГИТ

Ойина сувратсиз эрса, не етар,  
Ҳар не суврат эрса, унда акс этар.

\* \* \*

Қуршас ваҳму хаёлот дам-бадам,  
Қўзғатур ҳатто баланд тоғларни ҳам.

Ҳасанов РҲМН

## ТУРФА ОЛАМ

## Улкан кўприк


Хитойда дунёдаги энг узун кўприкнинг қурилиши бослаб юборилди.



Айтишларича, ушбу кўприк У-шаклида бўлиб, Гуандун, Гон-конг ҳамда Макаони бирлаштиради. Кўприкнинг умумий узунлиги 50 км.ни ташкил этиб, унинг 35 км. қисми денгиз устидан ўтаркан. Лойиҳа муаллифларининг таъкидлашича, кўприк 120 йил мобайнида бемалол хизмат кўрсата олади. У 8 балл ер силкинишига, тезлиги 51 м/сек. бўлган кучли шамолга бардош бера оларкан. Лойиҳа 10,7 млрд. АҚШ доллари қийматида баҳоланмоқда.

## Тиббиётда яна бир ютуқ

Шифокорлар англиялик беморнинг жароҳатланган кўз пардасини янгитдан ўстиришга эришишди.



38 ёшли Рассел Тернбулнинг бир кўзи аммиак суюқлигидан куйгани боис, шифокорлар унинг соғлом кўзидан 1 мм. ҳажмдаги тўқимани олиб суний ўстиришган. Лабораторияда 400 баробар катта ҳажмда ўстирилган кўз пардаси Тернбулнинг ўнг кўзига жойлаштирилганда кутилганда-да яхши натижа берган. Беморнинг ай-тишича, шифокорлар унга гўёки янгитган кўз совға қилишган. Шимолий-шарқий Англиянинг тўқималарни ўрганиш институти жарроҳи Франсиску Фигейреднинг таъкидлашича, яқин орада ана саккиз кишининг жароҳатланган кўзи ана шундай йўл билан ўз ҳолига қайтарилади.

## Баҳайбат ўргимчак

Бир гуруҳ исроиллик мутахассислар ўргимчакнинг янги турини топшишган.



Илм-фанга номаълум бўлган ушбу ўргимчак Арава чўлидаги қумқўрғондан топилгани боис уни олимлар Gerbalus aravensis деб номлашди. Ўргимчакнинг ҳажми 14 см. бўлиб, у Яқин Шарқдаги энг йирик ўргимчак тури ҳисобланаркан.

## Антиқа робот-қушча

Япониянинг Чита университетининг мутахассислари кўринишидан қолиб қушчага ўхшаш роботни яратишган.

Бу қурилмада тўртта қанотча бўлиб, у секундида 30 марта қанотларини ҳаракатлантира олади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, бу модель қутқарув ишларида анча фойдаси тегаркан. Дарвоқе, робот муаллифлари кейинчалик унга махсус микрокамерани жойлаштиришни ҳам мўлжаллашмоқда.

Маҳфуза ХУДАЙБЕРГАНОВА  
тайёрлади

| Хурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!<br>Тошкент шаҳар муниципал биржа марказининг биржа савдоларига «Фарҳод деҳқон бозори» ОАЖ балансидаги қуйдаги мулк қўйилади: |                                                                                                             |             |                        |
|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------------|------------------------|
| №                                                                                                                                                                       | Мулк номи                                                                                                   | Тавсифи     | Бошланғич баҳоси (сўм) |
| 1                                                                                                                                                                       | Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, Фарҳод кўчаси, 12-мавзе, 21-уйнинг 1-қаватида жойлашган но-турар жой хоналари | 92 кв. метр | 36 840 000             |

Биржа савдолари савдо сессиялари ҳафтанинг ҳар иш кунидан соат 11.00 дан 12.00 гача ҳамда 16.00 дан 17.00 гача Тошкент шаҳари муниципал биржа марказида бўлиб ўтади. Савдо ташкилотчиси манзили: Тошкент шаҳар, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16 «А» уй. Телефонлар: 232-25-51, 233-46-70, факс: 232-19-51 «Фарҳод деҳқон бозори» ОАЖ манзили: Тошкент, Учтепа тумани, Чилонзор Г.9 а мавзеси. Тел: 217-30-65.

## ТАХРИР ХАЙЪАТИ

Ахтам ТУРСУНОВ, Ахрор АҲМЕДОВ, Ғолиб-шер ЗИЯЕВ, Сувон НАЖИДДИНОВ, Муҳаммад-жон ҚУРОНОВ, Ражаб ЖУМАНИЁЗОВ, Ғафуржон МУҲАМЕДОВ, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Шоира УМАРОВА, Рустам ҚОСИМОВ, Баҳодир ШАРОФОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

Бosh муҳаррир:  
Жалолитдин САФОВ

Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи-назаридан фарқланиши мумкин. Реклама ва эълонлардаги факт ва далиллар учун тахририят жавобгарлигини ўз бўйига олмайди.

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000,  
Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба кунини чиқади. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган. Буюртма — Г 24, Адади — 5116

Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

ТЕЛЕФОНЛАР: (8-371)  
234-87-74, 234-87-73,  
234-86-41 ФАКС: (8-371)  
234-69-55, 234-01-47

Ҳажми 4 босма табоқ  
офсет усулида босилди.  
Қоғоз бичими А-2

Саҳифаловчи:  
Акбар ШОДИЕВ  
Навбатчи муҳаррир:  
Иснат ХУДОЕВ  
Навбатчи:  
Ақобир САЙДОВ

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси  
босмахонасида chop этилди.  
Қорхона манзили:  
«Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Босишга топшириш вақти — 21.00.  
Топширилди — 19.40.